


Соҳиба УМАРОВА

Суйима Ғаниева
ИЛМИЙ-АДАБИЙ МЕРОСИ:
ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ
ВА МЕЗОНЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

СОҲИБА УМАРОВА

**СУЙИМА ҒАНИЕВА ИЛМИЙ-АДАБИЙ
МЕРОСИ: ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ ВА
МЕЗОНЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

**Тошкент
"MUMTOZ SO'Z"
2021**

уЎК: 821.512.133-193

КБК 82.3(5Ў)

Навоийшунослик тарихида ўтган асрнинг 60-йиллари кўлёзма манбаларни ўрганиш ҳамда нашрга тайёрлаш ишларига эътибор сиёсий талаб даражасида кўтарилганлиги билан ажралади. Бу давр навоийшунослиги шоир ижодини муҳим ва долзарб муаммолар бўйича тадқиқ этиш босқичига кўтарилди. Навоийшуносликда янгича тамойилларнинг ривож топиши шоир ижодини ўрганишда турли йўналишдаги илмий-эстетик таҳлиллар кўпая борганлиги, илмий мақола, монографиялар билан бирга илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши кенгайганлиги ҳамда навоийшунослик ишлари кўплаб олимлар томонидан махсус тадқиқ этила бошланганлиги билан аҳамият касб этади. Ушбу монографияда навоийшунос, матншунос олима Суйима Ғаниеванинг тадқиқот усуллари ва мезонлари тадқиқ этилган.

Монография адабиётшунос олимлар, олий ўқув юртининг ўзбек филологияси талабалари, магистрантлар ҳамда Суйима Ғаниева илмий фаолияти билан қизиққан кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

**Шухрат Сирожиддинов – филология фанлари доктори,
профессор**

Тақризчилар:

**Боқижон Тўхлиев – филология фанлари доктори,
профессор**

Усмон Қобилов – филология фанлари доктори, профессор

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети Кенгаши (28 октябрь, 2021, Баённома № 3)*

ISBN 978-9943-6085-7-3

© УМАРОВА СОҲИБА, 2021
© “MUMTOZ SO‘Z”, 2021

КИРИШ

Мамлакатимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этиши”¹ ҳамда “миллий маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилаётгани”² боис ўзбек адабиётшунослари илмий ишлари, улар томонидан олиб борилган тадқиқ усуллари ва адабиётшунос-олим сифатида қатъий амал қилган мезонларини илмий-назарий жиҳатдан махсус ўрганишга асос бўлмоқда. Ўзбекистонда етишиб чиққан илк шарқшунос олима, Шарқ мумтоз адабиёти, хусусан, Алишер Навоий асарлари тадқиқи устида тинимсиз ишлаган, қатор давлат мукофотларига сазовор бўлган профессор Суйима Ғаниева илмий-адабий меросини яхлит кўламда ўрганиш муҳимдир. Жумладан, олиманинг тарихийлик тамойили асосида асар матнини контекстуал таҳлил этиш ва шарҳлаш усуллари, илмий фаолиятидаги анъанавийлик, холислик, тизимлилик, ихчамлилик ва далиллик каби мезонларни монографик тарзда ўрганиш соҳа вакиллари учун муҳим илмий хулосалар беради. Суйима

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги Қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.